

Ф.К.Камилова,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ МАРКЕТИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хурматли Президентимиз Ислом Каримов томонидан **2011** йил “**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**” деб эълон қилинди. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамият ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди, бу соҳани ривожлантирмай туриб, иқтисодиёт келажагини таъминлаб бўлмайди, ички бозорни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигини ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Булардан ташқари хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди, жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб боради. Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун қўйидаги тадбирлар амалга оширилди: кичик **бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши 2000** йилдаги **30%** дан **2010** йилда **53%** га етди, бу соҳада мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг **74%** дан ортиғи меҳнат қилмоқда, **2010** йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан **480 мингта** янги иш ўрни очилди, бу иш ўринларининг **60%** дан ортиғи қишлоқларда ташкил этилди. “**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**” бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат бўлди:

1. Мавжуд норматив-хуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиши.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш.

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қурайлик ва енгиллик яратиш; ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13% дан 2010 йилда 7%га туширилди (кариб 2 баробар камайтирилди), 2011 йилдан бошлаб бу қўрсаткич 7 %дан 6% га тушурилади.

4. Кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгиланиш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш.


5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш.

6. Илгор илм-фан ютуқлариға асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш.

Юқорида келтирилган ҳар бир йўналиш ўз ичига мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимиға қаратилган чора-тадбирлар ва вазифаларни олади. Мавжуд муаммолардан қуидагиларни келтириш мумкин: замонавий илм-фанга асосланган кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишида мутахассислар кўмагининг етарли эмаслиги, шунингдек, инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш жараёнини молиялаштириш муаммоларининг мавжудлиги; харид қилинган маҳсулот учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар механизмининг ўта мураккаблиги; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция, бошланғич ва айланма капитални тўлдириш учун катта ҳажмдаги кредитларга эҳтиёж мавжудлиги; мамлакатимиз таълим соҳаси, хусусан касб-хунар колледжлари битирувчиларининг замонавий билим ва кўникмаларини кичик тадбиркорлик соҳасига татбиқ этишни рағбатлантиришга мўлжалланган кредитлаш тизимининг етарли даражада такомиллашмаганлиги.

Ушбу муаммолар ечимиға қаратилган қуидаги чора-тадбирлар ва вазифалар мавжуд: Ўзбекистон Банклар асоциацияси хузуридаги иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидағи инвестицион

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари динамикаси



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

лойиҳалар бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштириш маҳсус жамғармасини ташкил этиш; харид қилинган маҳсулот учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисобкитоблар механизмини соддалаштириш, шунингдек, «**SMS-Banking**» ва «**Банк-мижоз**» дастурий таъминотини қўллаш; тижорот банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестицион мақсадларга, шунингдек, бошлангич ва айланма капитални тўлдириш учун ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш; касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига улар томонидан олинган замонавий билим ва кўникмаларни амалий татбиқ этиш мақсадида кенг жалб этиш.

Юқоридаги 1-расмдан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари йил сайин камайиб бориб, 2010 йилда 7% ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 6% га тушуриш кўзланмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш.

Осиё тараққиёт банки


Ислом тараққиёт банки

Германия тараққиёт банки
(KfW)

XXP Ҳукумати

Бошқа хорижий инвесторлар

Халқаро молиявий
институтлар
кредитлари, млн. долл



2-расм. Кичик бизнесни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш.

2-расмда эса кичик бизнесни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсади кўрсатилган. Халқаро молиявий институтлар кредитлари 2008 йилда 80 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 146 млн. долларни ташкил этди, яъни 2 баробарга яқин ўсади.

1- жадвал

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма обьектлари (2010 йил 1 январь ҳолатига).

№	Инфратузилма обьекти номи	Сони
1.	Тижорат банклари филиаллари	1042
2.	Минибанклар	2318
3.	Ахборот маслаҳат марказлари	262
4.	Консалтинг марказлари	327
5.	Аудитор фирмалари	113
6.	Ўқув марказлари	917
7.	Баҳолаш компаниялари	138
8.	Товар хомашё биржасининг савдо майдончалари	204
9.	Микрокредит ташкилотлари	32
10.	Кредит уюшмалари	103
11.	Бизнес инкубаторлар	34
12.	Суғурта ташкилотлари	32
13.	Брокерлик идоралари	1424

1-жадвал материалларидан кўриниб турибдики, бошловчи тадбиркорлар учун мастер класслар, семинар ва тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш, ҳудудларда қўшимча суғурта компаниялари ва агентларини ташкил этиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига суғурта хизматлари кўрсатиш миқёсини кенгайтириш, республиканинг барча вилоятларида фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган бизнес тузилма марказларини яратиш каби чора-тадбирлар инфратузилма сифатини оширади.

Хозирги кунда Ўзбекистонда туризмнинг миллий моделини шакллантириш жараёни кетмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, республикада ҳар йили туристлар оқимининг 15% га кўпайиши кутилмоқда, бу Бутунжаҳон туристик ташкилотининг таҳминларига нисбатан икки маротаба кўпдир. Туризм миллий иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бирига айланмокда, мамлакатнинг ички ялпи маҳсулотидаги улуши 0,4%ни ташкил қиласади.

Ўзбекистон катта туристик имкониятларга эга. Бу ерда 130 дан ортиқ меҳмонхоналар фаолият кўрсатмокда. Улардан 50 % халқаро талабларга жавоб беради.

Ўзбекистон бўйича туристик маршрутлар қадимги Ипак йўли шаҳарлари бўйича саёҳатни ва қўплари ЮНЕСКО томонидан қўриқланадиган 4000 мингдан ортиқ меъморий ёдгорликларни зиёрат қилишни ўз ичига олади. Туристик агентлик қуёшли чўлларнинг иссиқлик уфуриб турган йўллари бўйлаб, мангу эrimайдиган қорли чўққилардаги чанғи трассалари бўйлаб, овчилик, дельта-планда учиш ва альпенизм каби турли саёҳатларни таклиф қиласидар. **“Марко Поло изидан”, “Куёш карвони”, “Буюк Ипак йўли карвони”** каби қизиқарли маршрутлар таклиф қилинади.

2- жадвал

Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари

№	Кўрсаткичлар номи	2009 й.	2010 й.	Ўсиш суръатлари, %
1.	Туристик хизматлар ҳажми (млн.сўм.)	93303,4	153693,0	164,7
2.	Фойда (млн.сўм)	3105,6	3375,4	108,7
3.	Хизмат кўрсатилган туристлар, жами (минг киши) Жумладан: Хорижий туристлар	870,9 383,9	969,8 431,0	111,4 112,3
4.	Экспорт хизмат (минг АҚШ доллари ҳисобида)	98680,7	121399,2	123,0

Манба: “Ўзбектуризм” МК маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси


2 - жадвал маълумотлари шуни тасдиқламоқдаки, охирги йилларда туризм соҳасида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, туристик хизматлар ҳажми 2009-2010 йиллар оралиғида 60389,6 млн.сўмга, яъни 164,7 фоизга ошди. Соҳадан олинган фойда ушбу йилларда 108,7 фоизга ўсди. 2010 йилда 969,8 минг туристга хизмат кўрсатилган бўлса, шулардан 431 минг киши хорижий туристлардир. Демак, Ўзбекистондаги туристларнинг 44,4 фоизи хорижий туристлардан иборат. Бундай тенденция йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Экпорт хизматлар ҳажми ҳам ўрганилаётган йилларда 123 фоизга ўсди.

Тарихий, меъморий ва археологик ёдгорликларнинг сони 7587 тани ташкил этади ва 50%и чет эллик туристларда катта қизиқиш уйғотади. Аммо ҳозирги кунга келиб уларнинг 300 таси фаолият кўрсатмокда. Халқаро маршрутларга киритилган 80 та ёдгорлик хорижий туристларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёдгорликларнинг 75% дан ортиғи республиканинг марказий туристик шаҳарларида жойлашган. Бундай ёдгорликлар Тошкент

шахрида 114 та, Самарқандда 221 та, Хивада 310 тани ташкил этади. Хорижий туристларнинг асосий қисми саёҳатларини Тошкент шаҳридан бошлайдилар. Шу мақсадда, республикадаги меҳмонхоналарнинг кўпчилик қисми пойтахтда жойлашган. Буюк ипак йўлида муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистон ўзининг кўп йиллик тарихи, ўзига хос маданияти ва инсон-парварлик анъаналари билан кўплаб хорижий туристик фирмалар ва туристлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Энг кўп туристлар оқими Германия, Япония, Франция, Италия, Туркия, Россия каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Туризм тизимининг ҳозирги ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикаизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикаизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда.

2000-2010 йилларда Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси



3-расм. 2000-2010 йилларда Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатиш. (минг киши)

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий компанияси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

Диаграмма маълумотлари (3-расм) Ўзбекистонда туристлар сонининг ўзгаришида аниқ бир тенденция кузатилмаётганлигидан далолат беради. Гарчи туристлар сони умуман ўсиш тенденциясига эга бўлаётган бўлсада, баъзи йилларда пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Чунки, 2000 йилга нисбатан 2005 йилда туристлар сони 21 фоизга қисқарди. Гарчи 2007 йилда 2005 йилга нисбатан туристлар сони 22,4 фоизга ўсган бўлсада, ҳали 2000 йил даражасига эришилмади, лекин 2008 йилдан бошлаб ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.


Хизмат кўрсатилаётган туристлар сони динамикасида бундай нотекис тенденция вужудга келиши бир қатор омиллар билан изоҳланади. Мамлакатимизда туризм инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги, туристик расмиятчиликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, қўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганилиги ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Мехмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига муовфика келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикаизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигига юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга ташриф буюрган жами туристлар сонида хорижий туристлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.(4-расм).

4- расм. 2000-2010 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони динамикаси, минг киши.



Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамизда ички туризм ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, жаҳон бўйича жами туристик оқимнинг 80-90 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келиб, ички туризмга сарфланадиган харажатларнинг халқаро туризмга сарфланадиган харажатлардан 5-10 марта юқорилиги кузатилади Бундай тенденциянинг вужудга келиши ички туризмни ташкил этишининг нисбатан енгиллиги билан изохланади. Ички туризм халқаро туризмдан фарқли ўлароқ давлат чегараларини кесиб ўтишни тақозо этмайди ва шунга мувофиқ равишда қатор туристик расмиятчиликларга амал қилишни талаб қилмайди. Ички туризмда миллий валюта муомала воситаси сифатида сақланиб қолади, тил билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмайди.

Шу муносабат билан республикамизда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида ички туризм катализатор ролини бажаради.

Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидан ташқари Шахрисабз, Фарғона, Қўқон шаҳарларида ҳам туризмни фаол ривожлантириш мумкин. Айниқса, Фарғона водийси ўзининг серҳосил боғлари, пахта далалари, ипакчилиги, тоғ билан ўралганлиги ва шарқона бозорлари билан туристларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Ипакчилик маркази ҳисобланган Марғilon шаҳрида "**Ипак олами**" маршрутини ишлаб чиқиш мумкин. Унда ипак қуртидан бошлаб тўқувчилик жараёнларигача бўлган босқичларни ҳикоя қилиб бериш, ипак газламалари ва кийимларни ишлаб чиқаришнинг маданий ҳамда ишлаб чиқариш тарихини ёритиб бериш мумкин.

Ўзбекистондаги тарихий, меъморий ва археологик ёдгорликларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, унга туристлар бора олиши даражасига кўра баҳоланиб, тўрт гурухга бўлинган. Ёдгорликларни бундай гурухларга бўлиш республикада мавжуд ёдгорликлардан тўғри фойдаланиш даражаси қандай эканлигини, улардан фойдаланишни нотўғри йўлга қўйиш мамлакатга қўшимча валюта келишга тўскенилик қилишини акс эттиради. Туристик ёдгорликлар гурухларга қуидагича бўлинади:

1. Туристларда катта қизиқиш уйғотувчи, энг оммабоп ёдгорликлар 140 тани ташкил қиласди. Улар аъло даражада сақланган бўлиб, тўлиқ фаолият кўрсатади. Йил давомида Ўзбекистонга Европадан келувчи туристларнинг деярли 80 %и уларга албатта бориб келишга ҳаракат қилишади.

2. Йил давомида фаолият кўрсатмаганлиги сабабли туристлар томонидан баъзида зиёрат қилиниши мумкин бўлган ёдгорликлар 180 тани ташкил қиласди. Мазкур гуруҳдаги тарихий ва меъморий ёдгорликлар хорижий туристларда ўртача қизиқиш уйғотади. Улар мавсумий фаолият кўрсатиб, зудлик билан таъмирлашни талаб қиласди.

3. Таъмирланаётган ва ҳозирги кунда туристлар томонидан зиёрат қилинмаётган ёдгорликлар мавжуд. Улар 200 тадан ортиқ. Турли молиявий

манбалар ёрдамида таъмирлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Республикада ушбу мақсадларда давлат бюджетидан мақсадли маблағлар ажратиласди.

4. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли, яъни 3-5 йиллар давомида фаолият кўрсатмайдиган ёдгорликлар. Ҳозирги кунда уларни таъмирлаш учун маблағлар етишмаяпти. Улар тахминан 500 тадан ортиқни ташкил қиласди. Лекин келажакда улар туристларда қизиқиш уйғотиши лозим. Ҳукумат томонидан мазкур ёдгорликларни таъмирлаш учун молиявий манбаларни шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ёдгорликларнинг кўплари археологик бўлиб, олдин изланишлар олиб бориш, сўнгра эса таъмирлашни талаб қиласди. Масалан, **Афросиёб, Варахша, Чуст** ва бошқа.

Шу билан бирга кейинги йиллар давомида Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилишга баҳо бериш, таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинмаганлиги, сервис хизматини ташкил қилиш учун етарли микдорда маблағ ажратилмаганлигига қарамай, кириш туризмининг мавжуд тизими самарали фаолият кўрсатаётганлигини аниқлади. Уларни қуидагича гуруҳлаш мумкин:

Ўзбекистонга келган хорижий туристларнинг умумий сонидан 61,1 %, Самарқандга, 34,5 %, Бухорога ва 24,5 % Хивага ташриф буюрганлар. Битта турист бир неча шаҳарга ташриф буюришини ҳисобга олган ҳолда қуидагиларни белгилаш мумкин: иккита шаҳарга (Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Хива) 59 % борган, учта шаҳарга (Тошкент-Самарқанд-Бухорога)-40,3% борган. Бундан барча келаётган туристларнинг ярмидан кўпи Тошкент шаҳридан ташқари фақатгина битта шаҳарга ташриф буюриб, ортларига қайтадилар деган хulosага келиш мумкин. Хорижий туристларнинг мамлакатга ва ёдгорликларга қайта ташриф буюриши қуидаги маълумотларда акс эттирилган: 2010 йил давомида 8 % туристлар Ўзбекистонга қайта ташриф буюришган, улардан 20-30 % гина Тошкент шаҳрига қайта келишган. Бу қайта ташриф буюришнинг жуда паст даражасини ташкил қиласди. Шунинг ўзигина турист-ларни жалб қилиш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Мехмонхона ва сервис хизматларини кенгайтириш ёрдамида турмаҳсолот сифатини ошириш, шунингдек мавжуд ёдгорликларнинг қабул қила олиш имкониятларини ошириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, туризм хизматларининг жаҳон бозорига кириб бориши учун маркетинг тадбирларининг мукаммал ишлаб чиқилган механизмидан фойдаланиш зарур. Бунинг учун туроператорлар ушбу механизмлар бозоридаги ҳолат ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари керак.